

## НАВРЎЗ БЕРУНИЙ ТАЛҚИНИДА

**Қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз айёми ҳақида сўз юритади. Маълумотлар баъзида бир-биридан фарқ қилади. Бунинг сабаби, олим ҳолис қолиш учун ишонарли маълумотлар билан бирга шубҳалиларини ҳам келтириб, уларга ўз муносабатини билдиради.**

Маълумки, ушбу байрамнинг келиб чиқиши эроний халқлар тарихи ва мифологиясига бориб тақалади. Шунини инобатга олган Беруний ўз асарининг «Эронликлар ойларидаги ҳайитлар ва машҳур кунлар устида сўз» бобида бу халқнинг байрамларини икки турга ажратади: «Баъзиси дунёвий ишлар учун, баъзиси диний ишлар учун белгиланган». Эронликлар календари бўйича илк ой – Фарвардин моҳнинг биринчи куни эса ҳам диний, ҳам дунёвий характердаги Наврўз байрамидир.

Берунийнинг келтиришича, эронийларнинг қадимги календари бўйича йиллар кабисали бўлган пайтларда Наврўз ёзга, қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келган. Кейинчалик эса кабиса бекор қилиниб, ҳозиргача юритилиб келаётган календарь амалга киритилган. Бунда энди ойлари қуёшнинг муайян буржларга киришига асосланган бўлиб, йил қуёшнинг Ҳамал буржига кирган кунидан бошланади. Бу кун баҳорги кеча ва кундузнинг тенглиги – эътидолга, ҳозирги 21 мартга тўғри келади. Шу сабабли ҳам йилнинг илк куни «Янги кун» – Наврўз деб аталган. Қадимда бу байрам олти кун, ҳатто бутун Фарвардин ойи давомида нишонланган.

Аслида Наврўз табиатдаги уйғонишни байрам қилиш сабабли келиб чиққан. Кейинчалик эса диний тус олган. Беруний бу билан боғлиқ ривоятларни ҳам келтириб ўтади. Айтишларича, ҳаракатсиз коинотни Худо шу кун, айнан қуёш Ҳамал буржига кирадиган соатда ҳаракатга келтириб юбориши натижасида Нур ва Зулмат бир-биридан ажралган, кеча-кундуз, йил, ой, кунлар пайдо бўлган ва вақт ҳисоби бошланган. Йилнинг айнан Наврўздан бошланиши шунга ишорадир. Баъзи манбаларда ёзилишича, Худо жами яратикларни олти кунда яратган ва унинг биринчи куни Наврўздир. Бу байрамни олти кун нишонлаш шунга алоқадордир.

Беруний келтирган яна бир афсонага кўра эса, шу кун Худо, яъни Ахура Мазда қуйи оламни – Ерни яратиб, ярим одам, ярим ҳўкиз танли Каюмарсни унга подшоҳ қилган. Шу сабабли бу кун байрам сифатида нишонланадиган бўлган.

Кўпчилик афсона ва ривоятлар, қадимий битикларда Наврўзнинг байрам қилинишини афсонавий подшоҳ Жамшидга боғлашади. Беруний бу шоҳ ва байрамга алоқадор маълумотларни ҳам батафсил келтиради. Чунончи, айрим Эрон олимлари фикрига кўра, Жамшид ўздан олдинги динни янгилаган кун Наврўздир. Бу кун, гарчи азалдан ҳурматланган бўлса-да, Жамшид уни ҳайитга айлантирган.

Яна баъзи қарашларга кўра, қўл остидаги девлар, жину шайтонлар Жамшидни безатилган тахти (ёки араваси) билан бирга кўтариб учганлар, фуқаролар унга гул ва олтин-қумуш сочганлар. Бу қутлуғ маросим баҳорги эътидол куни амалга оширилган бўлиб, тарихда Наврўз байрами сифатида қолиб кетган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам шу ҳақда айтилади.

Беруний келтирган яна бир афсонага кўра, бир замонлар Иблис бутун заминдан баракани кеткизганлиги сабабли одамлар озиқ-овқатга тўймаганлар. Шамол тўхтаб, ўсимликлар қурий бошлаган, дунё ҳалокатга юз тутган. Шунда Худонинг амри ва кўрсатмаси билан Жамшид жанубга – Иблис ва унинг ёрдамчилари турган жойга бориб, улар билан курашган. Ниҳоят, у баракасизликни даф этишга эришган ва дунёга – одамлар орасига қайтган. Ўша кун у худди қуёшдек порлаб турган. Ердаги уйғонишни, дарахт ва ўсимликларнинг кўкарганини кўрган одамлар бу кунни «рўзи нав» деганлар ва шоду хуррамлик қилишган.

Наврўз куни Жамшид эски мақбараларни бузиш ва янгисини қурмасликни буюради. Бу Худога маъқул келиб, Жамшид фуқароларини касаллик, қариш, ҳасад, муҳтожлик, ғам ва ўлимдан фориғ қилади. Бинобарин, фаровон ҳаёт — «олтин аср»нинг аввали ҳам Наврўзга бориб тақаларкан.

Демак, Беруний Наврўзнинг байрам қилинишини асосан, афсонавий шоҳ Жамшид фаолияти билан боғлаган.

**Ҳ. Юсупов, тадқиқотчи,  
«Моҳият», 2006 йил 17 март.**

